

The Relevance Of Housing Provision For Military Personnel And Innovative Solutions

Shukurov Umid Soxibjanovich

Head of the Academic Cycle of the Department,
University of Military Security and Defense of the Republic of Uzbekistan

Abstract

This scientific article discusses the role and prestige of military personnel in society, social protection, in particular, the problems of realizing their right to housing and its international legal framework, innovative aspects of housing issues, scientific and theoretical views of scientists, as well as an analysis of national legislation, final suggestions and conclusions.

Key words: Armed Forces, military personnel, military service, housing, right to housing, innovation, social protection, long-term mortgage.

Аннотация

Мазкур илмий мақолада ҳарбий хизматчиларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ижтимоий ҳимояси, айниқса, уларнинг уй-жойлар билан таъминланиши, уй-жойга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш муаммолари, уй-жойга бўлган ҳуқуқларининг ҳалқаро ҳуқуқий асослари, уй-жой таъминоти масалаларининг инновацион жиҳатлари ҳамда бу борада олимларнинг илмий-назарий қарашлари, шунингдек, миллий қонунчилик таҳлили, якуний тақлифлар ва хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчи, ҳарбий хизмат, уй-жой, уй-жойга бўлган ҳуқуқ, инновация, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя, узоқ муддатли ипотека кредити.

Бугунги даврда Янги Ўзбекистон “Инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” деган муҳим ғоя негизида барпо этилмоқда. Давлатимиз Раҳбари белгилаб берган бу улуғвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Шу муносабат билан, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида кейинги беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари кўзда тутилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини қабул қилдик[1]. Маълумки, дунёда ҳар бир мамлакат ўз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ҳар қандай тинчлик ва хавфсизликка раҳна солувчи таҳдидларга қарши доимо юқори жанговар тайёр ва шай ҳолатда бўлишини истайди. Табиийки бу ўз

навбатида ҳарбий хизматчидан юқори кайфиятдаги ҳақиқий жангчига хос ватанпарварлик, мардлик, шижоат, ғурур, жанговар тетиклик ва руҳиятни, профессионаллик ҳамда касбига бўлган содиқликни талаб қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, шахсий таркиб жанговар шайлиги ва қобилиятини юксалтириш ҳамда Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий-техника ва бошқа воситалар билан таъминлаш борасида мунтазам ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Шу билан бирга Қуролли Кучларимиз сафида юқори профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва бу мақсадга эришиш йўлида уларни етарли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, кафолат ва имтиёзлар тақдим этиш масалалари доимо ҳарбий соҳадаги ислохотларимизнинг энг муҳим йўналишлари сифатида қараб келинади.

Ҳар бир давлат тинчлик ва хавфсизликка эришиш йўлида ўз ҳарбий хизматчисининг жамиятдаги муносиб ўрнини, хусусан, унинг етарлича ижтимоий ҳимоясини таъминламоғи лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиеёв Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларга йўллаган байрам табригида “Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, аҳоли, биринчи навбатда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.” деб алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар[2]. Бунинг мантикий давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиямизда эса ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш йўлида асосий мақсад қилиб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ҳар йили имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жойлар билан таъминлаш ва уларнинг тиббий таъминоти сифатини яхшилаш белгиланди[3].

Бу ўринда Н.А.Виноградовнинг “Қайсики давлатнинг армияси қудратли бўлса шу давлатнинг ўзи ҳам қудратли ҳисобланади. Армиянинг куч-қудрати нафақат унинг ҳарбий техникалари ва қуролларига, балки унда хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий ҳолатига ҳам бевосита боғлиқдир. Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий интизоми

ва жанговар тайёргарлиги даражаси уларнинг етарли маиший-турмуш шароитларига эга бўлишига, хусусан, уй-жой таъминоти билан қаноатлантирилганлигига боғлиқ” дея таъкидлаган фикрларини эътироф этмасдан иложимиз йўқ[4].

Фуқароларимиз ҳарбий хизмат йўлини танлар эканлар улар хизмат давомида турли қийинчиликлар ва машаққатни бошдан кечирадилар. Ҳарбий хизмат - бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмалари сафида умумий ҳарбий мажбурият ва шартнома бўйича амалга оширадиган давлат хизматининг алоҳида туридир[5].

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат низомига мувофиқ: ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан амалдаги қонун ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий хизматни ўташ шартлари билан белгиланадиган чекловлар билан фойдаланадилар; уларга конституциявий, бошқа умумфуқаролик бурчлари ва мажбуриятлар қаторида умумий мансаб ва махсус мажбуриятлар ҳам юкланади; Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлигининг ҳажми ва мазмуни уларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажараётган ёки бажармаётганлигига боғлиқ бўлади; ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида давлат ҳокимияти вакиллари ҳисобланадилар ва давлат ҳимоясида бўладилар[6]. Ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳарбий хизматчиларга фуқаролик мажбуриятлари билан бирга мансаб лавозим ва махсус мажбуриятларнинг

юкланиши уларни бошқа фуқаролардан фарқли ўлароқ давлат томонидан алоҳида ижтимоий ҳимояси ва таъминоти амалга оширилиши зарурлигини, бундай хизмат тоифасидаги шахсларга қонуний имтиёзлар, компенсация ва кафолатлар белгилаб берилишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ички хизмат низомида давлат ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши, улар учун етарли ва муносиб турмуш даражасини яратиш, хизмат ва турмуш шароитини яхшилаш чораларини кўриши лозимлиги белгиланган [7]. Бу ўринда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси [8] ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт қоидалари[9] алоҳида устувор аҳамиятга эга. Чунки шахснинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечириши тушунчаси илк марта мазкур халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Хусусан, Декларацияда ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, уй-жой, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилган[10 ст.25].

Халқаро пактда эса давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этиши, ушбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаш учун зарур

чораларни кўриши лозимлиги белгиланган[11 ст.11].

Мазкур халқаро ҳуқуқий қоидалар мазмун-моҳиятидан ҳар бир давлатнинг ўз фуқароларини фаровон яшашини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга ва барча чораларни кўришга масъул эканлигини ифодалайди.

Ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ҳаётида энг муҳим ва бирламчи зарур бўлган эҳтиёжларидан бири – бу уй-жойдир. Ҳозирги даврда давлат томонидан ҳарбий хизматчиларни узоқ муддатли ипотека кредитлари ёрдамида уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Масалан, 2017-2019 йиллар мобайнида 8 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилар оилаларини қулай ва шинам квартиралар билан таъминлаш учун 275 та кўп қаватли уй-жой барпо этилди[12]. Бироқ ушбу эришилган кўзга кўринарли натижаларга қарамасдан бугунги кунда Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчиларини уй-жой билан таъминлаш масалалари ва муаммолари долзарблигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш юзасидан давлат мақсадли дастурларини қабул қилиш, уй-жой таъминоти бўйича муқобил манбаларни яратиш, ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда соҳадаги камчиликларни инновацион йўллар билан ҳал этиш зарур. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти масалалари ва муаммолари ечими устида кўп жиҳатдан МДХ мамлакатлари олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Жумладан, Д.М.Кондратенко фикрича, ҳарбий хизматчиларни давлат томонидан уй-жой билан таъминлаш муаммоларини ривожланиб бораётган замонавий бозор иқтисодиёти шароитларида фақатгина янги

инновацион тизим, технологиялар ва дастурлар асосида ижобий ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайди. Олим танқидий равишда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тегишли давлат дастурлари ва инвестицияларнинг мақсадли йўналтирилмаслиги ҳамда янги инновацион ўзгаришлар амалда жорий этилмаётганлигини алоҳида таъкидлайди[13].

Т.В.Малеева ва О.Л.Соколовалар ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашнинг муқобил шакли сифатида янги инновацион лойиҳа сифатида жорий этилган жамғариб бориладиган ипотека тизими (НИС)ни энг мақбул ечим деб санайдилар. Ушбу олимлар жамғариб бориладиган омонат ипотека тизими ҳарбий хизматчиларга нафақат хизмат муддати якунлангач, балки ундан анча олдинроқ бюджет маблағлари орқали шаклланадиган махсус аккумулятив шахсий ҳисоб-рақамлардаги омонат пул маблағлари ёрдамида уй-жойга эга бўлиш (сотиб олиш) имконини беради[14].

Назаримизда ушбу олимлар берган фикрларга қўшилганимиз ҳолда юртимизда ҳам ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бўйича муқобил инновацион ечимлар ва механизмлар устида илмий ва амалий тадқиқот ишларини йўлга қўйиш лозим. Ўз навбатида, бугунги кунда юртимизда замонавий бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиқиб ҳарбий хизматчилар уй-жой таъминоти тизимида давлат-хусусий шерикчилик муносабатлари, шунингдек, Қуролли Кучларимиз таркибидаги вазирлик ва идораларимиз томонидан мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган турли ижтимоий-иқтисодий ва инновацион лойиҳалар устида республика давлат ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасалари, банк

ташкilotлари ва молия институтлари, айниқса сармоялар жалб этиш мақсадида хусусий сектор иштирокчилари билан ҳамкорлик алоқаларини тизимли йўлга қўйиш ва муносабатларни кучайтириш зарур. Ушбу йўналишда илғор хорижий мамлакатлар ва бошқа ривожланган давлатлар Қуролли Кучлари тажрибалари чуқур ўрганилиши керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш муаммоларининг муқобил шакллари ва ечимларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш устида ҳуқуқий, молиявий-иқтисодий ва ахборот-коммуникацион технологик йўналишларда илмий тадқиқот ишлари, ижтимоий грант-лойиҳалар, дастурлар ҳамда ишланмалар амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти тизимининг муқобил шакллари бўйича ҳуқуқий ва молиявий механизмлар устида ишлаш лозим.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашда янги инновацион усулларни ва ёндашувларни қўллаш ҳамда уй-жой таъминотининг муқобил шакллари жорий этиш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни таклиф этган бўлар эдик:

Биринчидан, ҳарбий хизматчилар уй-жой таъминоти ва унинг инновацион ечимлари бўйича илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

Иккинчидан, ҳарбий хизматчиларни уй-жой таъминоти тизимини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш;

Учинчидан, ҳарбий хизматчилар уй-жой таъминотининг бошқа қулай ва муқобил шакллари жорий этиш йўлида илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини изчил ва чуқур ўрганиш;

Тўртинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг уй-жой таъминоти тизимининг муқобил шакллари яратиш бўйича республика банк муассасалари ва молия

институтлари билан ҳамкорликни янги даражага кўтариш ҳамда бунда асосий эътиборни қўшимча молиявий манбаларни излаш, топиш ёки жалб этишга қаратиш;

Шундай қилиб хулоса ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масалалари ва муаммоларини ҳал этиш учун инновацион ғоялар асосида уй-жой таъминотининг кўплаб муқобил шакллари амалиётга жорий этиш, шунингдек, жараёнга давлат-хусусий шерикчилик муносабатларини янада кенг тадбиқ этиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

<https://lex.uz/pdfs/5841063> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.

<https://daryo.uz/k/2022/01/13/shavkat-mirziyoyev-qurolli-kuchlar-tashkil-etilganining-30-yilligi-bilan-harbiylarni-tabrikladi/> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларга йўллаган байрам табригидан

<https://lex.uz/pdfs/5841063> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 91-мақсади ҳамда 2022–2026 йилларга мўлжалланган

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 336-банди

Виноградов Н.А. Советское военно-административное право: Ч. 2. - М., 1951 с. 80.

[https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_\(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571\)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 5. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.](https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 5. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.)

[https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_\(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571\)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 6. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.](https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 6. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.)

[https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_\(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571\)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 10. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.](https://nrm.uz/contentf?doc=140261_ustav_vnutrenney_slujby_voorujennyh_sil_respubliki_uzbekistan_(utverjden_ukazom_prezidenta_ruz_ot_09_10_1996_g_n_up-1571)&products=1_vse_zakonodatels tvo_uzbekistana пункт 10. Устава внутренней службы Вооруженных Сил Республики Узбекистан утвержден указом Президента РУз от 09.10.1996 г. N УП-1571.)

https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml Всеобщая декларация прав человека Принята резолюцией 217 А (III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 года

https://www.un.org/ru/documents/decl_conventions/pactecon.shtml
Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах
Принят резолюцией 2200A(XXI) Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1966г.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conventions/declarations/declhr.shtml
Всеобщая декларация прав человека Принята резолюцией 217 A (III) Генеральной Ассамблеи ООН от 10 декабря 1948 года.

https://www.un.org/ru/documents/decl_conventions/pactecon.shtml
Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах
Принят резолюцией 2200 A (XXI) Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1966 года.

<https://xs.uz/uzkr/post/shavkat-mirziyoev-ozbekiston-respublikasi-qurolli-kuchlari-tashkil-etilganining-28-jilligi-va-vatan-himoyachilari-kuni-munosabati-bilan-bajram-tabrigi-jolladi> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчиларга йўллаган байрам табригидан.

<https://www.dissercat.com/> автор Д.М.Кондратенко “Инновации в решении государством задачи обеспечения жильем военн ослужащих России” диссер.тема (автореферат) по ВАК РФ 08.00.05.

<https://cyberleninka.ru/article/n/nakopitelno-ipotechnaya-sistema-kak-innovatsionnaya-forma-realizatsii-mehanizma-sotsialno-ekonomicheskoy-zaschity-voennosluzhaschih/viewer>
Т.В.Малеева ва О.Л.Соколова
“Накопительно-ипотечная система как инновационная форма

реализации механизма социально-экономической защиты военнослужащих” журнал Экономические науки страница 151.